2007 ЙИЛ, 10 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 68 (10.877)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

# СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

**ЮРТИМИЗДА БОБОМИЗ АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 671 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНАЁТИР. АНА ШУНДАЙ ТАДБИРЛАРДАН БИРИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ СОҲИБҚИРОН НОМИ БИЛАН АТАЛУВЧИ ХИЁБОНДА БЎЛИБ ЎТДИ.**

Бу ерга ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари йиғилдилар.

Тадбирда Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов, кураш бўйича 2006 йилги жаҳон чемпиони, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти аспиранти Шерзод Мирзанов, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети талабаси, Алишер Навоий стипендияси соҳибаси Севинч Улашева мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз хотирасини тиклаш ва абадийлаштириш, халқимизни уларнинг бой маънавий меросидан баҳраманд этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Соҳибқирон улуғлаган ва ўзининг ҳаётий шиорига айлантирган ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, адолат, мурувват, саховат каби эзгу ва олижаноб амаллар ҳаётимизнинг мазмун-моҳияти, фаолиятимизнинг бош мезонига айланди. Бу жиҳатлар давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган 2007 йилда ўзининг янада кенг ифодасини топмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, Соҳибқирон таваллудининг 671 йиллик тантаналари Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйига уланиб кетишида рамзий маъно мужассам. Зотан, Амир Темур ва темурийлар даврида ушбу шаҳарда илм-фан, маданият гуллаб-яшнаган. Рўйи замин сайқалига айланган Самарқанд жаҳон цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса қўшган маънавият ва маърифат бешиги сифатида дунёда шуҳрат қозонган.

Тантана иштирокчилари Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.



* * *

Шу куни пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида «Самарқанд дурдоналари» мавзуидаги кўргазма очилди. Амир Темур таваллудининг 671 йиллиги ва Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган мазкур кўргазмада шаҳарсозлик, меъморчилик тарихига оид юзга яқин нодир экспонат намойиш этилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**СУРАТЛАРДА: гул қўйиш маросимидан лавҳалар.**
**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар.**





## Люсьен Керен:

# «МЕН ЎЗ УМРИМНИ ТЕМУРИЙЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАДИМ»

**ЛЮСЬЕН КЕРЕННИНГ НОМИ АМИР ТЕМУР ДИНАСТИЯСИ ТАРИХИНИ ЎРГАНУВЧИ ОЛИМЛАР ОРАСИДА АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ. МАНА, 35 ЙИЛДАН ЗИЁД ВАҚТ ДАВОМИДА У БУЮК САРКАРДА ВА ДАВЛАТ АРБОБИ ҲАМДА СОҲИБҚИРОН СУЛОЛАСИНИНГ ИНСОНИЯТ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИНИ СИНЧИКЛАБ ЎРГАНИБ КЕЛАДИ.**

Бу давр мобайнида олим Амир Темур ва унинг династиясига бағишланган бир неча китоб, ўнлаб илмий ва публицистик мақолалар ёзди. Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш Франция уюшмасига асос солди ва уни бошқариб келмоқда. У шунингдек, Франция пойтахтида нашр этиладиган «Темурийлар» журналининг муҳаррири ҳисобланади.

Ўзбек халқининг буюк бобокалони таваллудининг 671 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг Париждаги элчихонасига машҳур олимдан мактуб келди. Унда Люсьен Кереннинг Амир Темур ҳаёт йўли ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган.

«1336 йил апрелида ҳозирги Шаҳрисабздан узоқ бўлмаган жойда бир инсон дунёга келди, у ўз даври тарихи ҳамда Осиёдан Европага қадар бўлган халқлар тарихини ўзгартириб юборди, — деб ёзади Л.Керен.

*(Давоми 2-бетда).*

## *Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ*

# КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 26 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган 463-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Кадрлар тайёрлаш миллий дастури** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 11-12, 295-модда) **4, 4-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази» деган сўзлар «Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 9 апрель*
*№ ЎРҚ-87*

## Қисқа сатрларда

• **КЕЧА** Алоқа ахборот агентлиги электромагнит мослашув марказида уюштирилган давра суҳбати «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» деб номланди.

• **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бичиш-тикиш мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган тикувчилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Ушбу тадбир 11 апрелгача давом этади.

• **БУГУН** Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган бадиий кеча «Абдулла Қодирий — миллатимиз кўзгуси» деб номланди.

• **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида «ОИТС— XXI аср вабоси» мавзуида тадбир уюштирилди.

• **СЕРГЕЛИ** туманида туман ҳокимлиги, Корейс миллий маданият маркази ҳамкорликларида туман фаоллари, миллий маданият марказлари вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирда корейс ва ўзбек халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари хусусида сўз борди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Хотин-қизлар қўмитаси, Адлия вазирлиги ҳамкорликларида уюштирилган анжуман «Аёл — оила — жамият» деб номланди.

• **ТОШКЕНТ** транспорт прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилиш товар маҳсулотларининг хориждан юртимизга ноқонуний тарзда кириб келишининг олдини олиш чораларига бағишланди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида «Ўзбекистон — менинг Ватаним» мавзуида ўтказилган тадбир доирасида қатнашчиларга ҳужжатлар ва фотосуратлар кўргазмаси намойиш этилди.

• **РЕСПУБЛИКА** Ички ишлар вазирлиги академиясида сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича ташкил этилган олий курс битирувчиларига дипломлар топширилди.

• **ШАҲРИМИЗДА** Халқаро болалар китоби куни кенг нишонланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## *Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси*

# ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**ПОЙТАХТДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ВА СУД-ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ҲАМКОРЛИГИДА ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТИ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛГАН МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.**

Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.

Кейинги йилларда халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар айниқса уй-жой-коммунал соҳасида изчил ва жадал суръатларда кечмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга ушбу соҳада қонуний-ҳуқуқий негиз тўлиқ шаклланганини боис бугунги кунда кўп қаватли уй-жой фонди тўлиқ давлат тасарруфидан чиқарилиб, унинг ҳақиқий эгалари — хонадонлар ихтиёрига топширилган. Шу билан бирга уй-жойларнинг моддий негизини сақлаш борасида давлат томонидан ҳар томонлама ёрдам ҳам кўрсатилиб келинаётир. Ушбу йўналишда бир қатор давлат дастурлари, жумладан 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уйларни тубдан таъмирлаш дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Маълумки, қайд этилган давргача барпо этилган уйлар асосий кўп қаватли уй-жой фондининг деярли 80 фоизини ташкил этади ва шу кунга келиб уларнинг 70 фоиздан зиёди дастур доирасида таъмирдан чиқариб бўлинди.

Уй-жой-коммунал соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, аҳоли эндиликда фақат ўз хонадони эгаси эмас, балки унинг тасарруфига кўп қаватли уйга тегишли бўлган барча мулк, жумладан муҳандислик-техник иншоотлар, ҳудудлар ҳам берилган. Бу дегани хонадон эгалари ширкат кўринишидаги ўзини ўзи бошқариш органига бирлашган ҳолда ўзларига тегишли бўлган умумий мулкни ҳам мустақил бошқариш ҳуқуқига эгадир.

Бир йил аввал янги таҳрирда қабул қилинган «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонун хонадон вакилларининг ҳуқуқларини хусусий уй-жой мулкдори сифатида қонуний тарзда белгилаб берди, яъни уй эгаларининг ўз ҳуқуқ ва имкониятларига бўлган ишончини кучайтириб, улардан янада кенгроқ фойдаланишига туртки бўлди. Хонадон эгалари ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда мустақил равишда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини тузиб, умумий йиғилишларида муҳим масалаларни ҳал этишга эришмоқда. Хусусан, бир нечта ёки кичик доирадаги уйлар тасарруфида бўлиш-бўлмаслиги ва шу йўсинда ҳар бир уй бўйича тўпланаётган маблағларни манзилли сарфлаш, ўз таъмирлаш тузилмасига эга бўлиш ёки зарур вазиятларда сервис компаниялар хизматидан фойдаланиш афзалликлари ҳақида ҳам баҳс юритиб, энг мақбул ечимни топишга ҳаракат қилаётирлар.

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ва доимий комиссияларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасидаги асосий вазифалари» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Семинар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши билан биргаликда ташкил этилди.**

**• Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида «Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш — олий қадрият» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.**

**• Урганч шаҳрида «Миллий тикланиш» демократик партиясининг республика семинари ташкил этилди. Унда партиянинг аҳоли ўртасидаги мавқеи ва унинг вакиллари томонидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги марказий аппарати раҳбар ходимлари, вилоятлар бошқарма бошлиқлари ҳамда республика спорт маҳорати олий мактаблари, спорт таълими даргоҳлари раҳбарлари учун махсус курс ташкил этилди.**

**• Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги Қуролли Кучлари музейида буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг таваллуд куни муносабати билан «Ватанни севмоқ иймондандир» мавзуида маънавий-маърифий учрашув ўтказилди.**

**• Фарғона шаҳридаги чақирув-йиғин пунктида йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

**• Самарқанддаги «Ёшлар маркази»да Ўзбекистон — Италия савдо палатаси ҳамкорлигида бизнес-форум ташкил этилди. Унда қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш борасида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.**

**• Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва республика хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг «Меҳр» бирлашмаси ўзаро ҳамкорликда «Оммавий ахборот воситалари ва Гендер тенглиги» мавзуида анжуман ўтказди.**

**• 12-18 апрель кунлари Тошкент ҳайвонот боғида Евроосиё ҳайвонот боғлари ва аквариумлари минтақавий уюшмасининг халқаро анжумани бўлиб ўтади.**

### ЖАҲОНДА

**• Кеча Франция президентлигига ўз номзодини қўйган 12 сиёсатчининг сайловолди кампанияси расман бошланди. Ҳозирча даъвогарлар орасида амалдаги «Халқ ҳаракати учун» уюшмаси раиси Николя Саркози президентлик учун кечаётган баҳсларда етакчилик қилмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, Саркозига социалистлар вакиласи Сеголян Руаля жиддий рақиб бўла олади.**

**• Кеча Шарқий Тиморда 2002 йилда ушбу мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг илк бор кўплаб халқаро кузатувчилар иштирокида президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Президентлик учун саккизта номзод ўзаро кураш олиб бормоқда.**

**• Бағдоднинг жанубида жойлашган Махмудия шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракати — миналаштирилган машинанинг гавжум жойда портлатилиши натижасида 17 киши ҳаётдан кўз юмди, 30 дан ортиқ аҳоли тан жароҳатларини олган ҳолда касалхонага ётқизилди. Шунингдек, портлаш натижасида айрим иншоотларга ҳам жиддий зарар етди.**

**• Қатар биринчилардан бўлиб, суюлтирилган табиий газ савдосини амалга оширувчи бозор очишга қарор қилди. Суюлтирилган табиий газнинг олди-сотдиси ва шартномалар бўйича таъминот шу йил Қатар пойтахти Доҳада иш бошлайдиган биржада амалга оширилиши кутилмоқда.**

**• Ҳинд океанида жойлашган ороллар гуруҳига кирувчи Реюньон оролида Питон де ля Форнез вулқони уйғонди. Ушбу вулқондан салкам 200 метр баландликка магма отила бошлаган, эришга улгурган лавалар эса 60 километр соат тезлигида дарёга оқа бошлаган. Натижада оролга олиб борувчи асосий автомагистрал йўл тўсилиб қолган.**

**• Дунё ёнилғи бозорларида бирмунча барқарорликдан сўнг нефть нархи яна кўтарила бошланди. Жумладан, жаҳон биржаларида бир баррел «Brent» маркали «қора олтин»нинг баҳоси икки фоизга ошиб, 70,74 долларга етди.**

**• Исроил ва Фаластин томони исроиллик капрал Гилад Шалтнинг қайтарилиши эвазига фаластинлик маҳбусларнинг қанчаси озод этилиши юзасидан узил-кесил бир қарорга келишди. Бунинг учун Миср воситачилигида фаластинлик маҳбусларнинг рўйхати Исроил ҳукуматига етказилган.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 11 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундига 15-17 метрга етади. Кечаси 8-10, кундузи 18-20 даража илиқ бўлади.

## Люсьен Керен:
# «МЕН ЎЗ УМРИМНИ ТЕМУРИЙЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАДИМ»

*(Давоми. Боши 1- бетда).*

— Афсуски, Амир Темурнинг болалиги ҳақида маълумотлар жуда кам. У 18 ёшидан бошлаб доимо бир-бири билан низода бўлган қабилалар етакчиларига хизмат қилди. Жўшқин куч-қувват, ўткир ақл, киши эътиборини ўзига жалб этадиган қобилияти билан Амир Темур замондошларини ҳайратга солар эдики, у ўзининг Мовароуннаҳр етакчиси, деб тан олинишигача эришди. Бу воқеа 1370 йили рўй берди. Темур ўз давлатининг пойтахти этиб Самарқандни танлади ва бу шаҳарни жаҳон цивилизацияси марказларидан бири сифатида тарих зарварақларига муҳрлашга ўзининг бутун умрини сарфлади.

34 ёшида ҳокимият тепасига келгач, Темур кейинги 35 йиллик умрини ўз давлатини иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамлашга бағишлади. Бу йиллар давомида у ўша даврнинг қудратли қўшинлари — мамлуклар, янычарлар, мўғуллар, қипчоқлар, ҳиндлар ва бошқалар устидан ғалаба қозонди. Темур юздан зиёд жанг олиб борган бўлса, уларнинг бирортасида ҳам мағлуб бўлмади. У ўз қўшинларини минг километрлаб олға бошларди ва хоҳ йўлда, хоҳ жанг майдонида бўлсин, у ҳамиша жангчилари орасида эди. Амир Темур ўз даврининг энг кучли ва талантли саркардаси бўлиб етишди.

Шу билан бирга, Темур нафақат музаффар ҳарбий саркарда, балки узоқни кўра биладиган ташкилотчи, нозиктаъб дипломат ҳамда катта бунёдкорлик иқтидорининг соҳиби ҳам эди. У ижтимоий ҳаётнинг кўпгина соҳаларида ўзаро муносабатларнинг аниқ-равшан тизимини барпо этиши баробарида фаолиятини ривожлантирди ҳам. Масалан, Ўрта Шарқдан Хитойгача, Ҳиндистон шимолидан Россиягача чўзилган ўз империяси ҳудудида Амир Темур масофалари белгиланган йўллар ҳамда мунтазам озиқ-овқат маҳсулотлари ва отлар билан таъминланган карвонсаройлар бунёд этишга фармон берган эди. Вилоятлар мутасаддиларига карвонлар ҳаракатланишининг хавфсизлиги таъминланиши ҳамда босқинчиликдан жабр кўрган тижоратчилар молларини уч ҳисса қилиб тўлаш мажбурияти юкланган эди.

Темур котиблар, таржимонлар, ҳуқуқшунослари бўлган муҳим ва самарали бошқариш тизимини амалиётга киритди. Хатлар рақам билан рўйхатга олинар ва таснифланарди. Қачонлардир Руи Гонсалес де Клавихо бу ҳақда завқ-шавқ билан ёзган эди. Темур таъсис этган сайёр судларда ўғирлик ва хизмат вазифасини суиистеъмол қилишда гумон қилинганларнинг даражаси ва бойлиги эътиборга олинмаган, бундай ишлар жуда жиддий кўриб чиқилган. Ўта оғир жиноятлар кўриладиган суд мажлисларида унинг ўзи иштирок этган.

Темур қўшни мамлакатлар билан савдони ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда экин майдонларини кенгайтириш йўли билан ўз салтанати фаровонлиги ва қудратини мустаҳкамлаган. Шарқ билан Ғарбни боғловчи барча йўллар давлат томонидан қаттиқ назорат қилинган ва уларнинг хавфсизлиги тўла таъминланган.

Амир Темур янги қишлоқ хўжалиги маданиятини ривожлантириш, жумладан, зиғир ва пахта етиштириш, ёқут ва лаъл конларини қайта ишлаш мақсадида энг яхши мутахассисларни таклиф этган.

Темур ўз юришларида энг яхши меъмор ва усталарни Самарқанд, Бухоро ва Шаҳрисабзда масжидлар, мадрасалар, улуғвор сарой ва кутубхоналар (уларнинг айримлари бугунги кунгача сақланиб қолган) қурдириш учун танлаб олган. Юришлар оралиғидаги танаффусларда қурилиш ишлари билан унинг шахсан ўзи шуғулланган. Темур қишлоқ хўжалиги учун суғориш каналлари ва сунъий сув омборлари қурилишига бош-қош бўлган. У илмий мактаб яратиш учун кўпгина мамлакатлардан етакчи олим, мусаввир ва мусиқачиларни Самарқандга таклиф этган. Унинг невараси Улуғбек бу ерда математика ва астрономия бўйича жуда пухта илм олишга муваффақ бўлган.

Темурнинг бағрикенглик ва диний эътиқод борасидаги эркинлиги давлат ҳудудида яшаган христиан ҳамда яҳудийларнинг ўз динларига бемалол амал қилиш имкониятини яратган. У ўз давлати манфаатларидан келиб чиқиб, Ўрта ер денгизи монархлари — Франция, Византия, Кастилия, Венеция ва Генуя билан иттифоққа кирган. Тарихий қўлёзма ҳужжатлари Темурнинг Кастилия элчиси Клавихони катта иззат-икром билан қабул қилганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Бир оз вақт ўтиб, у Франция қироли Карл VI га ҳақиқий христиан епископи бўлган ўз элчисини юборади. Амир Темурнинг Франция қиролига битган мактуби ниҳоясида ёзилган қуйидаги сўзлар унинг ўткир ақл соҳиби эканлигидан далолат беради:

«...Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, сизнинг тижоратчиларингиз бизнинг ўлкамизга юборилса эди, биз уларни илиқ қаршилар эдик ва бизнинг савдогарларимизга ҳам ўз юртингизда ана шундай ҳурмат кўргузилсаким, бинобарин, бу дунё маъмурлиги ва тўкинлиги савдо аҳли бирлан эканлиги баҳс талаб этмайдиган айни ҳақиқатдур».

Амир Темур жаҳон цивилизацияси тарихида ёрқин из қолдирган афсонавий шахс бўлиб қолади. Биз яхши биламизки, Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунлариданоқ республика Президенти Ислом Каримов ўзбек халқининг буюк аждодлари кўп асрлар давомида шакллантирган бебаҳо маънавий ва маданий меросни қайта тиклаш ишини давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилади.

Амир Темур ҳам ана шундай буюк бобокалондир. Ўнлаб йиллар давомидаги тақиқлардан сўнг бугунги Ўзбекистонда Амир Темур ва унинг буюк давлати ҳақидаги барча ҳақиқатни авлодларга ва жаҳон ҳамжамиятига етказиш йўлида қилинаётган улкан ишлар мен учун алоҳида қувонарлики, бу тарих ва маданиятни ўрганиш ҳамда англашга мен ўзимнинг бутун умримни бахшида этдим».

**«Жаҳон» АА.**
**Париж.**

# ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

*(Давоми. Боши 1- бетда).*

Янги қонун талабларига биноан ширкатлар тузилмаси қайтадан кўриб чиқилди. Ўтган вақт мобайнида биргина пойтахтимизда ХУЖМШлар сони 856 тадан 1230 тага кўпайиб, айни пайтгача 2086 тани ташкил этмоқда. Шулардан 508 таси биттадан кўп қаватли уйни бошқараётган бўлса, қолганларига ўрта ҳисобда тўрттадан уй тўғри келмоқда.

Бундан бир ярим-икки йил илгари битта ширкат том маънода 40-50 тадан уйни тортишига тўғри келарди. Келтирилган бу рақамларнинг ўзи ўша пайтларда аҳолига хизмат кўрсатиш сифати қандай аҳволда эканлигидан яққол далилдир. Бугунги кунда фойдаланиш хизматлари учун йиғилаётган маблағлардан мақсадли ва тежамли фойдаланиш учун аҳоли сервис компаниялар хизматидан фойдаланишни афзал кўрмоқда. Айни пайтда бундай хизмат кўрсатиш тузилмаси пойтахтда 96 тани ташкил этмоқда.

Фоиз жиҳатдан ҳали унча кўп бўлмаса ҳам (5-6 фоизга яқин кўп қаватли уйлар), лекин ниҳоят сурункали тус олган иссиқлик таъминоти масаласи ҳам аста-секин ўз мақбул ечимини топмоқда. Хусусан, бугунги кунда пойтахтда марказлашган иссиқлик манбалари қаторида локал — мустақил иссиқлик тизими ҳам яратилмоқда.

Тошкент шаҳри уй-жой-коммунал хўжалигида эришилган ушбу ижобий натижалар Сенат аъзолари ҳамда пойтахт депутатлари томонидан «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан жойларда ўтказилган ўрганишлар давомида қайд этилди. Шу билан бирга сессия кун тартибидаги асосий мавзу бўйича сўзга чиққан Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова мониторинг жараёнида кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш борасида айрим муаммо ва камчиликлар ҳам аниқланганлигига урғу бериб, бу охир-оқибатда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллигига салбий таъсир кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

«Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида кўп хонадонли уйда яшаш учун мўлжалланмаган жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс шу жой мулкдоридир, шунингдек, ширкатнинг кўп хонадонли уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори билан муносабатлари улар ўртасида мажбурий тартибда тузиладиган шартнома билан тартибга солиниши белгиланган. Мониторингга тушган 601 та ширкат доирасида 475 та шундай юридик ёки жисмоний шахс аниқланган бўлса, уларнинг маълум қисми билан шартнома тузилмаган.

Мазкур Қонуннинг 7-моддаси хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига давлат томонидан қўллаб-қувватланиш ҳуқуқини беради. Бу асосан коммунал хизматларга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, уй-жой-коммунал соҳасида хизматлар кўрсатишда рақобатни ривожлантириш учун шароитлар яратиш, имтиёзлар ва кредитлар ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бюджет ссудалари бериш каби тадбирлар асосида амалга оширилади. Лекин аниқланишича, ўтган бир йил давомида биронбир ширкат бундай имкониятдан умуман фойдаланмаган.

Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ ХУЖМШлари қурилиш меъёрларига риоя этган ҳолда ўз тасарруфидаги бўш ҳудудларда хўжалик ва бошқа йўналишдаги иншоотларни қуриш ҳуқуқига ҳам эгадир. Шунга қарамасдан, пойтахтдаги айрим ширкатларнинг ҳаттоки хизмат идораси билан таъминланиши борасида муаммолар мавжуддир.

Ширкатларнинг қўшимча молиялаштириш манбалари йўқлиги шундан далолат берадики, ХУЖМШ аъзолари қайд этилган қонун хусусида ё ахборотга эга эмас ёки унинг аҳамияти ва моҳиятини унчалик ҳам англаб етмаган. Чунончи, ширкатларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишга доир ҳуқуқларидан самарали фойдаланмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, мазкур қонун ижросини таъминлашга йўналтирилган бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимининг уй-жой фондини сақлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорида коммунал хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш, шунингдек, тўловлар тушуми бўйича фаоллик кўрсатган ширкат аъзолари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари меҳнатини рағбатлантириш шартлари ҳам кафолатланган. Шундай бўлсада, бугунги кунда мазкур қулайлик ва имтиёзлардан етарлича фойдаланилмаяпти.

Шаҳар ХУЖМШ уюшмаси раиси Атҳам Миржалиловнинг фикрига қараганда, мазкур масаланинг ечими узоқ муддатли жараён, зеро маъмурий бошқарувдан мустақил бошқарув тизимига ўтиш деганда фақат ташқи омилларни такомиллаштириш тушунилмайди. Бу борада аҳолининг дунёқарашини ўзгартириш, аниқроқ қилиб айтганда, ўз хонадони ҳамда умумий мулкка бўлган муносабатини янгитдан шакллантириш ҳам муҳимдир. Демак, вақт ҳакам: бунинг учун яна бир нечта босқичдан ўтмоқ зарур. Бу борада саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Айниқса ушбу йўналишда уюшма томонидан шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар яқин келажакда ўз ижобий натижасини бериши шубҳасиз. Бу борада ўсиб келаётган авлод тарбиясига алоҳида аҳамият берилиши, жумладан ўсмирларни уй-жойларни асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш лозимлиги қайд этилди.

«Ҳумоюн коммунал сервис» компанияси раиси Керим Кенжалиев коммунал хизматлар сифатини ошириш ва бу борада рақобатни кучайтириш учун янги тузилмалар қаторини кенгайтириш мақсадга мувофиқ эканлигига урғу берди. «Ҳумоюн коммуналчи сервис» компанияси 26 та ширкатни ўз тасарруфига бирлаштирган. Аммо, К.Кенжалиевнинг фикрига қараганда, бу ҳали сўнгги нуқта эмас: истеъмолчиларнинг хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида, шунингдек, таклифларини инобатга олган ҳолда компания айрим бутловчи қисмларни ўз тасарруфида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Бу эса, шубҳасиз, кўрсатилаётган хизматлар таннархини қисқартиришга ва ўз навбатида, мижозлар доирасини янада кенгайтиришга, пировардида айланма маблағлар ҳажмини оширишга яхши асосдир.

Сессияда сўзга чиққан депутат Азиз Тўраев, шаҳар прокурори Баҳриддин Валиев, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси Раҳимжон Нодировлар ушбу соҳадаги муаммо ва камчиликларга яна бир бор тўхталиб ўтиб, уларни бартараф этишда биринчи навбатда уй-жой мулкдорлари ширкатларида фаолият кўрсатиш учун малакали кадрларни сайлаш, бу борада мавжуд механизмни такомиллаштириш кераклиги, бундан ташқари, турар жой мавзеларида фаолият юритаётган иккита ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла ва ширкатларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратишди.

Сессияда кун тартибидаги асосий масала юзасидан билдирилган барча фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида шунингдек, жорий йилнинг 28 январь куни бўшаб қолган иккита сайлов округи бўйича ўтказилган сайлов натижалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар бўйича минтақавий вакилининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотлар тингланди. Бундан ташқари, депутатлар томонидан Тошкент шаҳар ҳокимининг айрим қарорлари, Тошкент шаҳар Кенгашининг фаолиятига доир баъзи меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди.

**Илмира ЗАЙНУТДИНОВА**

*Ватан ҳимояси – муқаддас бурч*

# САРА ЙИГИТЛАР САФ ТОРТДИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 7 МАРТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ БАРЧА СИНОВ ВА ТАНЛОВЛАРДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТГАН ЙИГИТЛАР МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ТАНТАНАЛИ КУЗАТИЛМОҚДА.**

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, чақирилувчиларнинг оила аъзолари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



Маросимда шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Бахтиёр Маҳмудов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Низомиддин Бахтиёров ва бошқалар Ватан ҳимоясига отланган йигитларга оқ йўл тилади.

— Ўғлимни кўтаринки руҳда кузатаётганимдан бахтиёрман, — дейди Гулчеҳра Мардонова. — Истиқлолимиз шарофати билан фарзандларимизни армияга жўнатиш ва кутиб олиш маросимлари байрамона руҳда ўтказиладиган бўлди. Бундан биз, ота-оналар ғоят миннатдормиз. Бундай тадбирлар ёшларда Ватанга муҳаббат, халқи билан фахрланиш, миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш иштиёқини янада кучайтирмоқда.

— Синовлардан муваффақиятли ўта олганимдан хурсандман, — дейди Миробод туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Рихсивой Низомов. — Аҳдим шу — бутун куч-ғайратимни ишга солиб, астойдил хизмат қиламан. Офицер бўлиш эса болалик орзуим. Муддатли ҳарбий хизмат бу борада менга жуда қўл келиши тайин.

Йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда давом этмоқда.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

**ШАҲРИМИЗДА АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИНГ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ТОМОНИДАН ИФЛОСЛАНИШИНИ КАМАЙТИРИШ МАҚСАДИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ЎЗ НАТИЖАЛАРИНИ БЕРМОҚДА. АГАРДА 1996 ЙИЛДА ИШЛАТИЛГАН ГАЗЛАРНИНГ ЗАҲАРЛИЛИК НОРМАСИНИ БУЗУВЧИ АВТОМОБИЛЛАР СОНИ 25-27 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛСА, 2006 ЙИЛНИНГ СЕНТЯБРЬ-ОКТЯБРЬ ОЙЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ ШАҲРИМИЗДАГИ ЗАРАРЛИ ГАЗЛАРНИ ЧИҚАРИШ МЕЪЁРИ ЮҚОРИ БЎЛГАН АВТОМОБИЛЛАР МИҚДОРИ 10 ФОИЗГА ТУШГАНИНИ КЎРСАТДИ.**

# «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ БОШЛАНДИ

Тошкент шаҳрида атмосферани ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини камайтириш мақсадида 2007 йилнинг 9 апрелидан 8 майига қадар «Тоза ҳаво» тадбирининг биринчи босқичи ўтказилмоқда.

Айтиш керакки, 1995 йилдан 2006 йилга қадар пойтахтдаги автомобиллар сони 2 баравардан кўпроқ даражада ошди. Шубҳасиз, ишлатиладиган ёнилғининг миқдори ҳам ошди ва бу ўз навбатида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддаларнинг кўпайишига олиб келди.

Шаҳримиздаги ҳавога чиқарилаётган умумий ифлослантирувчи моддаларнинг 90 фоиздан ортиғи автомобилларга тўғри келади. Улардан чиқаётган газларда инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи 200 дан ортиқ зарарли моддалар мавжуд. Двигателнинг носоз ҳолда ишлаши (ёнилғи таркибининг бузилиши, поршен гуруҳи, ўт олдириш тизимининг эскириб кетиши) зарарли моддалар чиқишини кўпайтирадиган омиллардир.

Барча ҳайдовчиларнинг вазифаси шундан иборатки, улар ўз автоуловларининг техник ҳолатини доимий равишда назорат қилиб боришлари — энг кам даражада зарарли моддаларни чиқариши юзасидан техникаларини созлаб туришлари лозим бўлади. Битта автомобилнинг зарарлилик даражасини созлаш учун 10 дақиқа вақт талаб этилади — бу чиқиндилар чиқишининг ҳамда ёнилғи сарфининг пасайиши демакдир. Бинобарин, шубҳасиз бу ҳайдовчилар учун ҳам фойдалидир.

Автомобилдан фойдаланишда мақбулликни бузадиган тезликни тез ошириш, машинани қаттиқ тормоз бериб тўсатдан тўхтатиш, чорраҳалардан нотўғри ўтиш каби омиллар ҳам газларни чиқариш миқдорига таъсир кўрсатади. Ҳайдовчилардан автомобиль атроф-муҳит мусаффолигига жиддий тарзда салбий таъсир этувчи манбами? дея сўралганида кўпчилик йўқ деб жавоб беради. Ваҳоланки, 200 дан ортиқ заҳарли моддалардан иборат «тўплам» — углерод ва азот оксидлари, альдегидлар, қурум ва бошқалар ер устки қатлами (яъни кишилар нафас оладиган жойда) ультрабинафша нурлар таъсири остида фотокимёвий реакцияларга киришиб, янги ва янада заҳарлироқ қўшилмаларнинг юзага келишида манба маҳсулот вазифасини ўтайди. Улар эса танамизни заҳарлаб, ёш авлод соғлиғи учун салбий таъсир кўрсатади.

Биз бугунги кунда шаҳримизда атмосфера ҳавосини бузаётган созланмаган ўн фоиз автомобилларнинг янада камайишини истар эдик. Юқоридаги маълумотлар билан танишган ҳайдовчилар чуқур мушоҳада юритиб атроф-муҳитнинг мусаффолигини сақлаш, атмосфера ҳавоси ифлосланишини камайтиришга ўз ҳиссаларини қўшишларига ишонамиз. Бу борада кенг кўламда ўтказилаётган «Тоза ҳаво» тадбири ҳам ўз самарасини беради, албатта.

**Дилмурод ИСМАТОВ**

# СИРЛИ ОЛАМ

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

●Финландиядаги «Дитер электроника» фирмаси ультратовуш билан даволайдиган «Ультрасоник С 3000» аппаратини яратди. Унда беморни турли касалликлардан даволашда ички қисмини алмаштириб ўтириш талаб қилинмайди. Ҳозирги вақтда мослама радикулит, ревматизм, артроз, ампутациядан кейинги оғриқни қолдириш ва спорт ўйинлари вақтида олинган турли жароҳатларни даволашда муваффақиятли қўлланила бошланди.

●Американинг «ИБМ» ва «Спектрум Халфкеар Солюшина» компаниялари бемордаги касалликни аниқлаб берувчи автоматик мослама яратдилар. Касалхоналардан жой олувчи бундай мослама қоннинг босими, пульс, организм ҳарорати, нафас олиш ҳажми ва тезлигини аниқлаб беради. Мослама диагноз қўйиш, даволаш йўлини кўрсатиши ва касаллик тарихини ёзиб бориши мумкин. Видеодисплей ёрдамида барча ишларни амалга оширса бўлади. Автоматик мосламанинг нархи 440 доллар атрофида.

●Кўмир билан ишлайдиган иссиқлик электростанцияларидан чиқадиган кул ва шлак махсус ўраларга ташланишини ҳамма билади. Уларни шамол учириб кетмаслиги, ҳаво ифлосланмаслиги учун мутахассислар ўра оғзини гиёҳлар уруғидан минерал ўғит, махсус тайёрланган қоришма билан ёпишни таклиф қилдилар. Бу қоришма тўқимачилик саноатидан чиққан органик чиқиндилардан тўқилган газлама остига ташланади. Ярим йил ўтгандан кейин қоришма чирий бошлайди ва уруғлар яйраб униб чиқади. 10 йил ўтгандан кейин эса ҳосилдор қатлам ҳосил бўлади. Уни қишлоқ хўжалигида бемалол ишлатса бўлади. Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам.

●Ўсимликлар учун «ҳаёт суви», кимёвий модда бўлган этилен уларнинг ҳаёт фаолиятларини йўлга солиб туради, меваларнинг эрта пишишини таъминлайди. Лекин этилен газ ҳолатида бўлгани учун ундан далада ёки боғда фойдаланиш жуда қийин. Унинг ўрнига тупроққа синтетик препаратлардан этрел, композонлар қўшилади. Улар ўсимлик танасига сингиб, этилен ҳосил қиладилар. Афсуски, бу сунъий моддалар жуда ҳам қиммат. Олимлар этиленнинг ўрнини босадиган арзон маҳсулот—кальций карбидини топдилар. У кўплаб мамлакатлар саноатида ишлаб чиқарилади. Ерга қуруқ ҳолида аралашган карбид дастлаб ацитилен, кейин этиленга айланади ва ўсимлик илдизига сўрилади. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ошади. Бунинг устига препарат экологик жиҳатдан мутлақо зарарсиз.

●Япониянинг Хоккайдо оролида ташландиқ пластмассалардан бензин, керосин ва дизель ёқилғиси олиш технологияси йўлга қўйилди. Полиэтилен, полипропилен, полистирол ва хлорли пластмассаларни ёқилғига айлантиришдан цеолитлардан катализатор сифатида фойдаланилмоқда. Шундай қилиб 300-400 даража ҳароратда 2 килограмм пластмасса чиқиндиларидан бир литрга яқин ёқилғи олина бошланди. Бир тонна чиқиндини қайта ишлаш 225 долларга тушади.

●Англиянинг кимёвий концернларидан бири қоғоз ўрнида ишлатилувчи юпқа плёнка яратди. Полиэфир асосига эга бўлган полимер бўёқли плёнка унга ёзилувчи сонлар ҳақида яхши ахборот беради. Янги қоғоздан турли мақсадларда фойдаланиш ҳам кўзда тутилмоқда.

●Рейтер агентлигининг хабар қилишича, жуда яқин вақт ичида Голландиянинг сутчилик фермаларида сигирларни робот соғадиган бўлади. Шу янгиликни яратган ва бундай роботларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришган «Гасконь» Мелотт Холдинг» фирмаси вакилининг айтишича, одатдаги сут соғиш аппаратларидан фарқли ўлароқ, компьютер ёрдамида бошқариладиган робот сигирхона бўйлаб мустақил равишда юра олади ва инсоннинг ёрдамисиз жониворларни соғади. Элекрон сут соғувчи ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни 15 фоизга кўпайтира олади ва унинг ижодкорлари умид қилишларича, сут чорвачилигида янгилик ясайди. Сигирларга келганда шуни айтиш керакки, улар ўзларининг янги «эгасини» маъқул кўришларини дастлабки тажрибалар кўрсатди. Жониворлар унга жуда тез одатланиб қоладилар, чунки у сигирларни мунтазам равишда ва ҳафсала билан соғади.

●Мисрлик машҳур қизиқчи Аҳмад Бадр телевизион фильм суратга олинаётган вақтда тасодифан ўлимдан бир амаллаб қутулиб қолди. Фильм матнига мувофиқ, деб хабар беради «Ижипшн газетт» газетаси, у тасодифан ҳовузга йиқилиб тушиши керак эди. Аҳмад ўзини сувга ташлаш олдидан ҳамкасбларига сузишни билмаслигини айтиб, уларни огоҳлантирди, лекин қизиқчининг бу гапларини навбатдаги ҳазилга йўйишди. Режиссёр суратга олинган кадрлардан жуда мамнун бўлди. Чунки артист унинг фикрига қараганда чўкаётган одамни қойилмақом қилиб кўрсатиб берган эди. Унинг боши сувда кўринар, гоҳ кўринмас, орадан бир неча лаҳза ўтгач «чўкяпман» деб бақирганини ҳам одамлар кулги билан қарши олишганди. Аҳмад сув тагида узил кесил қолиб кетгандан кейингина ҳамкасблари ташвишланишди ва уни қутқаришга тушишди. Воқеа рўй берган жойга етиб келган шифокорлар ўлим билан олишаётган қизиқчини зўрға қутқариб қолдилар.

●Интербиос» билан Одессадаги озиқ-овқат технологияси олий билимгоҳида шарбатларни нитратлардан тозалаш усули ишлаб чиқилди. Бунинг учун саноат биореакторига ишлаб чиқарилган мембраналар қўйилади. Шарбати олиниши керак бўлган мевалар ҳам реакторга тушаверади. Катталиги молекуладек ёки коллоид зарраларидек мембраналар шарбатни ўзидан ўтказади, шу орада эса ортиқча нитратларни ўзида ушлаб қолади. Ишлаб чиқарилувчи крахмал, пектин, липид, антибиотик, витамин ва алоҳида аминокислоталар нитратлардан тозаланиб шарбат ёки бошқа маҳсулотларга айлантирилади. Бундай шарбатлар болалар учун айниқса фойдалидир.

●Швейцариядаги Цюрих шаҳрида яшовчи ишлайдиган одамларнинг турмуш даражаси, ана шу шаҳарларда уй-жой нархи анча қиммат бўлишига қарамай, лондонликлар ёки токиоликларникига нисбатан анча юқори. Лондонда ёки Токиода яшовчилар иш ҳақининг катта қисмини айни квартира ҳақи «ютиб юборади». Мамлакатнинг етакчи молиявий муассасаларидан бири — Швейцария банклари уюшмасининг махсус маълумотномасида ана шундай хулоса чиқарилган.

*Наврўз нашидаси*

# МУМТОЗ ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАДИ

**ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ ОЛИМ ХЎЖАЕВ МАҲАЛЛАСИДА ҲАМ НАВРЎЗ БАЙРАМИ ФАОЛЛАРНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН ҲАР ДОИМГИДЕК УЮШҚОҚЛИК БИЛАН НИШОНЛАНДИ.**

«Ҳар кунинг Наврўз бўлсин» мавзуидаги маънавий-маърифий тадбирга уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, маҳалла ободлигига ўз ҳиссасини қўшаётган жонкуярлар таклиф этилди. Байрам тадбирининг кўнгилдагидек ўтиши учун эса «Камхар» фирмаси, «Зиёда» дўкони жамоаси, Ҳасан Ҳамидов, Шокир Зиёев каби тадбиркорлар ўз ҳиссаларини қўшишди.

Албатта, байрам шодиёналари жозибали куй-қўшиқлар, шўх рақсларсиз ўтмайди. Ўзбекистон Давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик факультети талабалари Умид Аллаёров, Очил Матчонов, Ҳурмат Собиров, Феруза Очилова, Умида Йўлдошевалар ижро этган «Феруз», «Фарғона тонг отгунча», «Галдир», «Айлагач», «Адашдим» каби мумтоз қўшиқлар маънавий-маърифий кеча иштирокчиларининг қалбига илиқлик олиб кирди.

Яшариш ва янгиланиш айёми давомида маҳалланинг бир гуруҳ фаоллари, заҳматкашларига Фахрий ёрлиқлар топширилди, ўнга яқин кам таъминланган оилаларга кўмак берилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: Олим Хўжаев номли маҳаллада Наврўз байрами мана шундай файзли ўтди.**

**Козимжон Ўлмасов олган суратлар**





# ЭЗГУЛИК АЙЁМИ

**КУНИ КЕЧА «ҲУВАЙДО» ТЎЙХОНАСИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ ҲАМДА НАВРЎЗИ ОЛАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХАЙРИЯ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ. ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎЗАРО ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ «МЕҲРИБОНЛИК» ЖАМИЯТИ ҲАМКОРЛИКЛАРИДА УЮШТИРИЛГАН ТАДБИРДА 100 НАФАРДАН ЗИЁД «МЕҲРИБОНЛИК» ЖАМИЯТИ АЪЗОЛАРИ ВА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШДИ.**

Шуниси қувонарлики, баҳорий таомлар—кўк сомса, чучвара, кўк варақи ҳамда ширинликлардан татиб кўрган тадбир қатнашчиларининг кўнгли тоғдек кўтарилди. Айниқса, ҳомийлар томонидан тадбирнинг ёш қатнашчилари Нозима Муҳиддинхўжаева, Дима Черепанов, Тўлқин Жаддинов, Насриддин Шукруллаев ҳамда Тимур Қургеновларга ногиронлик аравачаларининг тақдим этилганлиги йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлди.

— Саховатпешалик халқимизга хос одат,—дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси раиси Насиба Миродилова.—Зеро жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб номланиши ҳам бежиз эмас. Чунки ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга кўмак бериш, қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг бурчимиз, ҳукуматимизнинг оқилона сиёсат юритаётганлигидан дарак беради.

Шунингдек, тадбир давомида ёш эстрада хонандалари ижросида янграган куй-қўшиқлар кечага ўзгача файз қўшди.

— Эзгулик айёми муносабати билан,—дея суҳбатга қўшилди Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг раиси Ҳабибулла Жалилов,—беш нафар ёрдамга муҳтож бола зарур восита—ногиронлар аравачасига эга бўлди. Бошқалар эса байрам баҳона дийдорлашишди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# САХОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК





*Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.*

*Ўйлаймизки, мамлакатимизда бу улуғ ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар кўплаб топилади.*

*Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга*

**ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИнинг ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:**

**СТИР: 206849483**
**МФО: 00423**
**Ҳ/р: 20212000604589442001**
**АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.**

*Ҳамшаҳарларимиз*

# УМР МАЗМУНИ

**ХАЛҚИМИЗДА «МЕҲНАТ КИШИНИ УЛУҒЛАЙДИ» ДЕГАН НАҚЛ БОР. ДАРҲАҚИҚАТ, ИНСОН ЎЗ МЕҲНАТИ БИЛАН ЭЛДА ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР ҚОЗОНАДИ.**

Инсон ўзига берилган буюк неъмат — умрини эл-юрт хизматига, солиҳ фарзандлар тарбиясига бахшида этсагина, ҳаётини савоб ишлар билан зийнатлашга тинимсиз интилсагина бахт-саодатга эриша олади. Бу йўлда у қанча-қанча синовлар, машаққатларни бошдан кечирмайди дейсиз. Умрнинг маълум фаслига келиб, ортида яхшилик йўлларининг қолганига амин бўлиш, одамлар меҳри ва ҳурматини кўриш киши кўнглини ёритиши шубҳасиз. Педагогика фанлари номзоди, доцент Акром Акмалов ана шундай фазилатли инсонлардан.



У 1970 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти (ҳозирги Педагогика университети)нинг физика-математика факультетини тугатиб, Тошкент шаҳридаги 203-мактабда педагогик фаолиятини бошлади. Кейин Республика ёш физик ва математиклар мактаб-интернати (ҳозирги С.Сирожиддинов номидаги академик лицей)да математика ўқитувчиси, Республика ўқув-методика кабинетида катта методист, А.Авлоний (аввалги К.Ушинский) номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтида кабинет мудири, проректор, ректор вазифаларида фаолият кўрсатган. Айни вақтда республика Маънавият тарғибот марказида бўлим мудири, Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида кафедра мудиридир. Шунингдек, А.Акмалов иқтидорли ёшлар билан ишлаш, математика бўйича мактаб ўқувчиларининг Республика олимпиадасини ўтказишда ташкилотчилигини намоён этган. Бундан ташқари Ўзбекистон телевидениесида «Қизиқарли математика», «Ўқитувчи экрани» кўрсатувлари, математикадан теледарсларга бошловчилик қилган.

Республика бўйича математика ўқитувчиларининг илғор педагогик тажрибаларини ўрганиб «Маърифат» газетаси, «Халқ таълими» журналида ўзининг долзарб мақолалари билан қатнашиб келмоқда. У ҳаётий тажрибалари, илмий-педагогик тадқиқотларининг натижаси сифатида математика ўқитувчилари малакасини ошириш йўналишида номзодлик диссертациясини ёқлади. Кейинчалик доцент илмий унвонига сазовор бўлди. Тинимсиз меҳнат, илмий изланишлар уни халқ маънавиятини юксалтириш сари чорлади.

2000 йилдан меҳнат фаолиятини янги йўналишда, ҳозирги Республика Маънавият тарғибот марказида бошлади. Педагогик фаолиятини маънавият, маърифат соҳаларидаги тарғибот, ташвиқот ишларига йўналтирди ва республика ташкилотларида маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш ҳаракати билан танилди. Унинг «Постда», «Тошкент оқшоми», «Маърифат» газеталаридаги долзарб мақолалари фуқаролар, айниқса, ёшлар онгига миллий ғояни сингдиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Шуни ҳам таъкидлаш кераккки, Акмаловлар оиласини педагоглар сулоласи, маърифатпарварлар оиласи десак адашмаймиз. Бобоси Акмалхон домла «Кўкалдош» мадрасасида мударрис, отаси Аҳмадхон домла, акаси Ашрафхон математика ўқитувчиси бўлиб ишлашган. Рафиқаси Назорат Акмалова эса химия-биологиядан, ўғиллари информатика, математика фанидан ёшларга таълим бериб келишмоқда.

Акром Акмалов ҳозирда республика Маънавият тарғибот марказидагина эмас, жамоатчилик асосида «Халқ таълими» журналида таҳрир ҳайъати аъзоси, Олим Хўжаев номли маҳалла фуқаролари йиғинида «Маънавият ишлари» комиссиясининг раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. У 15 та методик қўлланма, 40 га яқин методик тавсиялар, 150 дан ортиқ мақолаларнинг муаллифидир. Таълим соҳасидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган. Шунингдек, «Мустақилликнинг 10 йиллиги» эсдалик ва «Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси» нишонлари билан тақдирланган.

Ҳа, меҳнат инсонга бахт-саодат, обрў-эътибор келтиришини Акром Акмаловнинг ҳаёти мисолида кўриш мумкин. Заҳматкаш олим, педагог А.Акмалов 60 баҳорни қаршилаган бўлишига қарамай, ҳамон ёшлар шижоати билан фаолият кўрсатмоқда. Биз Акром Акмаловга таълим соҳасидаги ишларида бундан кейин ҳам улкан муваффақиятлар, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт тилаб қоламиз.

***Жаҳонгир БОЛТАЕВ,***
***Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси***

# ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

**БУГУНГИ КУНДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҚОНУН ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УНИ МУАЙЯН ТАРТИБДА ИЗГА СОЛАДИГАН ҚОНУНИЙ БАЗАНИ ЯРАТИШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.**

Шу маънода Чилонзор туман ҳокимлигида Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2007 йил 22 февралидаги йиғилиш баённомаси ва шу соҳага оид меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Чилонзор, Учтепа, Миробод туманларида фаолият юритаётган хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, соҳа мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбир давомида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бош мутахассиси Одил Аллаев, Тошкент шаҳар статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Лола Сирожоваларнинг тадбиркорлик субъектларини қонун йўли билан ҳимоялаш ва бу борада адлия, солиқ идоралари, савдо-саноат палатаси зиммасидаги вазифалар хусусидаги маърузалари тингланди.

— Бугунги кунда хусусий тадбиркорлик субъектлари ишини такомиллаштириш борасидаги энг муҳим масалалардан бири уларга ҳуқуқий билимлар беришдир, — дейди Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Илёс Ҳайдаров. — Шу боис ўтган давр мобайнида пойтахтимизнинг бир қатор туманларида, давлат ва жамоат ташкилотларида семинар-тренинглар ўтказилди. Албатта, галдаги вазифалар кўп. Эндиликда тадбиркорларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан комплекс тадбирлар режасини амалга оширмоқчимиз.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ЯХШИ СЎЗ —ЖОН ОЗИҒИ

Телефон алоқасида чалкашликлар бўлиб туради. Баъзан билиб-билмай бошқа манзилга тушиб қоласан. Гўшакни кўтарган одам андишали бўлиб ўзга рақамга тушиб қолганингни ётиғи билан айтса, изза бўлиб ундан кечирим сўрайсан. Лекин ҳамиша ҳам сен кутгандек бўлавермайди. Баъзида шунақанги қўпол муомалага дуч келасанки, кун бўйи асабинг қақшаб юради.

Яқинда ўзимиз билан ҳам шундай воқеа рўй берди. Гўшакдан бегона овоз эшитилди. Бирдан алоқани узиб қўйиш ҳар қалай одобдан эмас. Алоқа боғлаган кишини ҳар қандай шубҳалардан ҳоли этиш учун унга жавоб-муомала қилиш керак.

— Кечирасиз, бошқа жойга тушиб қолдик шекилли. Бизга Аҳаджон керак эди.

— Ҳўв, менга қара, кўзинг кўр бўлса ҳам рақамни билиб терсанг бўлмайдими? Эй, падарингга лаънат, сўқир.

Жавоб қайтаришга улгурмадик. Гўшак қарс этиб аппаратга урилди. Кайфиятимиз бузилди. Қайта рақам теришга қўлимиз бормади. Ўша куни бир қадрдонимизнинг туғилган кунини аниқ билиш учун дўстимиз Аҳаджонга сим қоққан эдик. Аччиқ устида қайта сим қоқишдан воз кечдик. Шундай қилиб, муддатини билмай қолиб, туғилган кунга қатнашолмай, яқин оғайнимизни ранжитдик.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб иш юзасидан бир оила билан боғланишимизга тўғри келди. Биздаги унинг телефон рақами нотўғри ёзилган экан. Афсуски, бошқа жойга тушиб қолдик.

— Ассалому алайкум, эшитаман, — майин овоз эшитилди гўшакдан.

Саломга жавоб бериб сўрадик.

— Кечирасиз, бизга Ботировларнинг хонадони керак эди?

— Янглишдингиз чоғи, биродар, бу Ҳакимовларнинг хонадони.

— Минг бор узр, кечирасиз.

— Ҳеч қиси йўқ, шунақаси бўлиб туради. Хижолат бўлманг.

«Ширин сўз —жон озиғи» деб бежиз айтишмаганда. Мана шу икки оғиз жавоб-муомала бизни фақат хижолатдан қутқарибгина қолмай, руҳиятимизни ҳам кўтариб юборди.

Шу ҳар икки воқеа сабаб муомала маданияти ҳақида ўйланиб қолдик. Не ажабки, ҳали ҳам орамизда қўпол муомала, аччиқ сўзли кишилар учраб туради. Улар шу қилмишлари билан ўзларинигина эмас, ўзгаларнинг ҳам кайфиятини бузишади. Кўча-кўйда, шаҳар транспортида, дўконларга харид учун кирганингизда, шифокор ҳузурига муҳтож бўлиб борганингизда баъзан шундай қўпол муомалаларга дуч келасизки, буни айтишга тил ҳам бормайди. Аксинча, бошқаларнинг ширинсуханлигини кўрсангиз кўнглингиз тоғдек кўтарилиб, дардингиз енгиллашгандек бўлади.

Муомала маданияти мисоли кўзгу. Бу кўзгуда кишининг ички дунёси, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари, касбга, одамга бўлган муносабати яққол намоён бўлади. Шундай экан, ҳар қандай вазиятда ҳам бир-биримиздан ширин сўзимизни дариғ тутмайлик.

## КЕЧИРСАМ БЎЛАДИМИ?

Таҳририятимизга ғалати хат келди. Қисқа ва лўнда мактубда қуйидаги сўзлар битилганди. «Ҳурматли таҳририят, куни кеча газетангизнинг учинчи бетида туркум шеъри босилган Комила Ҳасанова менинг қизим бўлади. Уни бир йилдан бери излайман. Илтимос, қизимнинг манзилини менга ёзиб юборсангиз. Ҳурмат билан Маҳмадали Ҳасанов».

Ушбу мактуб билан танишиб чиқиб, бизга жавоб йўллашни илтимос қилиб Комила Ҳасанованинг яшаш манзилига жўнатдик. У бизга қуйидаги жавобни ёзиб, иложи бўлса уни газетамиз саҳифасида ошкора босиб чиқаришни илтимос қилибди. Бу таклифни инобатга олдик.

«...Ҳа, дадажон. Тонмайман. Мен сизнинг қизингизман. Агар билсангиз мен сизни узоқ қидирдим, дийдорингизга зор, интизор бўлиб изладим. Бир оғиз «Қизим, қизалоғим» деган сўзингизни эшитиш учун тинмадим. Мен ҳам бошқа тенгқурларим сингари ота меҳрига қониб, бағрингизда эркаланиш учун сизни қидирдим. Афсуски, ҳеч қаердан топа олмадим. Мен кўзи ожиз фарзандингиз бошини силашни эп кўрмай, бутун ғазабингизни онажонимга сочиб неча йилдирки бизни камситиб яшадингиз.

Дарз кетган чинни чегалангани билан куни келиб барибир синаркан. Мен эндигина етти ёшга тўлганимда бизни ташлаб кетдингиз. Эсимни таниганимдан бери бирор марта «Қизим» деган сўзингизни эшитмабман-а. Гарчи кўзим ожиз бўлса-да, қалб кўзим билан сизга термулиб, мана шу сўзнинг оғзингиздан чиқишини жуда-жуда орзиқиб кутдим. Афсуски, эшитмадим. Мен сиз учун фақат «анави» эдим холос.

Наҳот ўз фарзандингизга шунчалик шафқатсиз бўлсангиз. Ожиз туғилишим менинг ёки онажонимнинг айбими? Биз сизни узоқ кутдик. Тиқ этса эшик пойладик. Лекин сиздан дарак бўлмади. Онажоним кута-кута бедаво дардга йўлиқиб оламдан ўтдилар. Эҳ, ўша қора кунларни эсласам, ўзимни қўярга жой тополмайман. Ёлғиз тоғажоним менга паноҳ бўлдилар. Ота-онам йўқлигини билдирмай, эркалаб вояга етказдилар. Шу меҳрибонимнинг жонфидолиги, ожиз кўзларимга нур бағишлаган шифокорларнинг мўъжиза яратишга қодир қўллари билан кўзим очилди. Яратганга минг бора шукрки, ёруғ оламни кўрадиган бўлдим.

Мактабга бордим, ўқидим. Сизни изладим. Сизнинг қандай одам эканлигингизни ўз кўзим билан кўриб-билиш учун атайлаб изладим. Ҳар қалай кўзи очилган фарзандингиздан ҳеч бўлмаса энди меҳрингизни дариғ тутмассиз, деган умидда сизни изладим. Надоматлар бўлсинки, изингизни топа олмадим.

Йиллар қадар шеърият ҳамдамим бўлди. Дилимдаги барча армонларим дарду, ҳасратларимни шеърга солдим. Олий маълумотли бўлдим. Яхши иш жойим бор. Ҳамиша-ҳамдамим, дардкашим —турмуш йўлдошим, ширин-шакар икки фарзандим бор.

Орадан йигирма йил ўтди. Шу йиллар давомида бошимдан қанча сир-синоатлар ўтди. Ахир тешик қулоқ онажонимнинг вафотини эшитгандирсиз. Мен-ку майли-я, ҳеч бўлмаса у кишининг хотирасини ёд олиб бирор марта келиб-кетмадингиз.

Йиллар ўтиб энди мен сизга керак бўлиб қолдимми? Очиғини айтинг, сизга ўзим керакми ёки ёрдамим керакми? Минг қилса ҳам пушти камарингиздан бўлган фарзандингизман. Агар лозим бўлса сиздан ёрдамимни аямайман.

Майли, ҳамма билсин, энди сизга бир савол билан мурожаат қилмоқчиман. Хўш, ўзингиз виждонан айтингчи, қилмишингиз кечиришга лойиқми? Ҳозир мана шу савол мени қийнаб турибди».

Сиз-чи, азиз газетхон. Бу саволга сиз нима дейсиз?

## ҲАЛОЛЛИК

Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди. Ҳалол одам бировнинг ҳақига хиёнат қилмайди. Ҳалоллик ҳақида гап кетганда қадимдан қолган бир ривоят эсимга тушаверади.

Анушервон Одил бир кун ўз хизматчилари билан овга чиқди. Кўпгина ҳайвонларни овладилар. Анушервон овланган ҳайвон гўштларини кабоб қилишга буюрди. Туз йўқлиги учун бир хизматчисини чақирди:

— Шу яқин орадаги қишлоққа бориб туз келтир, лекин пулини тўлаб, эгасини рози қил, — деб буюрди.

Хизматчи таажжубланиб:

— Арзимаган нарса учун ҳам эгаси норози бўладими? Ҳақини тўламай олаверсак, эгаси нима зиён кўради? — деди. Анушервон айтди:

— Сўзинг тўғри эмас, чунки зулм, адолатсизлик мана шундай арзимаган нарсадан бошланиб зўрайиб кетади. Агар мен боғбоннинг бир олмасини арзимаган нарса деб, — баҳосини тўламай олиб есам, одамларим у олма дарахтини бутун илдизи билан суғуриб оладилар, ёки эгасидан сўрамай, тухум олиб есам, бошқалар товуқларни сихга тортадилар. Мана шундай қилиб зулм, адолатсизлик кучая бориб, ҳалоллик йўқолади. Бу эса кўпчилик бошига мусибат келтиради. Дунёда ҳалол одамдан буюкроқ зот йўқ.

Қиссадан ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўз ихтиёрига ҳавола.

# БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛЛАРИГА ЭЪТИБОР

**ИНСОНИЯТ ЎЗИНИНГ ОНГЛИ ҲАЁТ ТАРЗИНИ БОШЛАГАНИДАН БЕРИ ДИНИЙ ЭЪТИҚОД ТУШУНЧАСИ МАЪНАВИЙ МУВОЗАНАТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ, КИШИЛАРНИ ЯГОНА МАСЛАК АТРОФИГА БИРЛАШТИРАДИГАН УМУМБАШАРИЙ ҒОЯ СИФАТИДА ҚАДРЛАНИБ КЕЛИНГАН.**

Мамлакатимиз Конституциясида ҳар кимнинг қайси динга эътиқод қилиши ёки қилмаслиги махсус модда орқали белгилаб қўйилди. Бу республикамизда демократик ислоҳотларнинг жадал суръатларда амалга оширилаётганидан дарак беради. Ҳозирги кунда давлатимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари жаҳон ҳамжамияти, жумладан, мусулмон дунёсида катта қизиқиш, улкан эҳтиром билан қарши олинмоқда.

Шу маънода АЭСКО томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг ислом маданияти маркази сифатида эътироф этилиши айни шу эҳтиромнинг самарасидир.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулистон» маҳалла гузарида ўтказилган тадбирда масаланинг шу томонлари қамраб олиниши билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йили қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлашга эътибор қаратилди.

Тадбирда сўз олган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмитанинг аёллар шўъбаси етакчи мутахассиси Соҳиба Абдуллаева, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси диний маърифий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича бош мутахассиси Моҳиба Ҳамидова, Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг аёллар масалалари бўйича маслаҳатчиси Иқбол Исмоилова, Тошкент шаҳар бош отинойиси Озода Тўлагановаларнинг «Тошкент ислом маданияти маркази», «Ислом динининг моҳияти», «Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик», «Диний ва дунёвий эътиқод» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Тадбир якунида маърузалар юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

**Ҳумоюн АЛИЕВ**

# КЎРГАЗМАДА БОЛГАРИЯ МАДАНИЯТИ

**ПОЙТАХТДАГИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА БОЛГАРИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН БОЛГАРИЯЛИК РАССОМ БОРИС СТАЙКОВНИНГ "ЯГОНА ОСМОН ОСТИДА" НОМЛИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.**

Унда хорижий дипломатик корпус вакиллари ва элчихона ходимлари, санъатшунос олимлар, мутахассислар иштирок этди. Кўргазмада Б. Стайковнинг 50 дан зиёд асарлари мухлислар эътиборига ҳавола этилди. Рассом 1971 йил Болгариянинг Пештер шаҳрида таваллуд топган. У графика ва визуал дизайн бўйича магистрлик маълумот олгач Япония, Россия ва Болгариянинг бир қанча шаҳарларида шахсий кўргазмаларини ташкил этди. Кўргазмада Болгария мамлакатига бориб ижод қилиб келган ўзбек рассомлари Х. Мирзаҳмедов, В. Акудин, В. Луконинларнинг асарлари ҳам намойиш этиляпти. Мазкур асарларда Болгариянинг гўзал ва бетакрор гўшалари, манзаралари, табиати моҳирона тасвирланган. Кўргазманинг "Ягона осмон остида" деб номланиши бежиз эмас, чунки ягона осмон остида барча мамлакатларнинг табиати, манзараси, ҳаёти ўхшаш ва яқиндир.

Х. Зиёхонов, Б. Маҳкамов, Ғ. Ибрагимов, Ф. Аҳмадалиев асарларида болгариялик қиз ва аёллар тасвирланган. Л. Садикова, Ш. Абдуллаева, М. Шувалова, Т. Каримов асарларида эса миллий руҳдаги ўзбек халқининг турмуш тарзини кузатиш мумкин. Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар "Ягона осмон остида" кўргазмаси ўзбек ва болгар халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашини таъкидлашди.

Кўргазма 15 апрелга қадар давом этади.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Яхширок Жамшид бўлмоқдин гадолик дайр аро,**
**Ўзга қилмоқ яхшироқким, ўзгага қилмоқ ситам.**

Дунёда Жамшиддек подшоҳ бўлиб, бировга жабр қилгандан, гадо бўлиб, ўзига ситам қилган яхши.

**Яхши хотинлар сафойи зуҳдидин,**
**Олам ичра гар ёруғлик бўлса фош.**
**Йўқ ажаб, чунким, араб алфозида,**
**Истилоҳ ичра муаннасдур қуёш.**

Яхши хотинлар илму ҳунарининг нуридан дунё ёриса, нима таажжуб? Чунки қуёш маъносидаги «шамс» сўзи араб тилида муаннасдир («женский род»дир).

**Яқоч узра гар бўлса юз минг янғоқ,**
**Кўмар ерга ҳар не ўғурлади зоғ.**

Дарахтда янғоқ ҳар қанча кўп бўлса ҳам, зоғ ўзининг ўғирлаган ёнғоғини биров тортиб олаётгандай ерга кўмади.

**Яхшиға андин ғаму озор эрур,**
**Боғда гул ҳамнафаси хор эрур.**

Гул тикандан холи бўлмаганидек, яхши киши ҳам ғаму озордан озод эмас.

**Яхши-ёмондин бари эрмас жаҳон,**
**Лек ёмон зоҳиру яхши ниҳон.**

Дунё яхшию ёмондан холи эмас, фақат ёмон ошкору яхши яширин.

**Яхшироқ тоғ остида қолмоқки, қайғу остида.**
**Қайғу остида қолгандан тоғ остида қолган яхши.**

**...яқоси чоксиз гул бутмади бу боғ аро.**

* * *

**Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса,**
**Ким ёмонлиғ қилмаса, қилганча бордур яхшилиғ.**

Қани эди, яхшилик қилмайдиган киши сира ёмонлик ҳам қилмаса! Унинг ёмонлик қилмагани яхшилик қилган билан баробар.

**Яхши сўз бирла ҳожат аҳлин сўр,**
**Бермасанг яхши тўъмадин нафақа.**
**Не учунким, Расул қавли билан:**
**Яхши сўз бордур, уйлаким, садақа.**

Бечораларга яхши таом беролмасанг ҳам, яхши сўз билан аҳволини сўра, зеро, Пайғамбар таъбири билан айтганда, яхши сўз — садақа ҳукмида.

**Яхшиликдин топса нишон ҳамсуҳбат,**
**Берур санга осойиши жон ҳамсуҳбат.**
**Чун бўлди малак нафърасон ҳамсуҳбат,**
**Шайтон сангакимдурур ёмон ҳамсуҳбат.**

Яхши ҳамсуҳбатдан жонингга роҳат етади. Фойдали ҳамсуҳбат мисоли фаришта бўлса, ёмон ҳамсуҳбат шайтонга ўхшайди.

**Ямон котиб манзили қаламдонидек чаҳ аро бўлсун, қаламидек боши яро ва юзи қаро бўлсун.**

* * *

**Ямонларға лутфу карам яхшиларға мужиби зарар ва алам.**

Ёмонларга мурувват ва марҳамат кўрсатиш яхшиларга зарар ва алам етказишга сабаб бўлади.

**Ямон тиллик андоқким эл кўнглига жароҳат еткарур, ўз бошиға ҳам офат еткарур.**

* * *

**Ямон-яхшини Тенгридин англағил,**
**Ямонни ямон, яхшини яхши дегил.**
**Ямонни агар яхши қилсанг гумон,**
**Эрур яхшини ҳам дегандек ямон.**

Яхшини ҳам, ёмонни ҳам Худодан деб бил, ёмонни ёмон, яхшини яхши де. Ёмонни яхши дейиш яхшини ёмон дейиш билан баробар.

**Яхшилиқ ва ёмонлиқни ким қилдиким, жазо кўрмади.**

Хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик қилган бўлсин, шунга муносиб мукофот олмаган киши йўқ.

**Яхшилик тухмин сочғилким, будур деҳқонға сўз:**
**Ҳар неким эктинг бугун, борин ҳамон тут они кўз.**

Деҳқонга аталган сўз шуки, яхшилик уруғини соч, чунки бугун нима эксанг, эрта ўшандан умид қиласан.

Яхшидин ёмонлар ҳам ёмонлиғ кўз тутмас, яхши ёмонларға ҳам яхшилиғни унутмас. Яхшилиқ қила олмасанг, ёмонлиқ ҳам боре қилма. Яхшиликдан ёмонлиғни яхшироқ билмасанг, яхшиларга қўшул, яхшилиқ теграсиға эврула олмасанг, яхшилар теграсига эврул.

* * *

**Яхши либос — танға осойиш, яхши қўлдош — жонға осойиш.**

Яхши либос — танга зийнат, яхши дўст — жонга роҳат.

**Яхши бўл ё ямон, иккиси бўлурмен деган ҳамону ямон ҳамон.**

Ё яхши бўл, ё ёмон: иккисидан умид қилган киму ёмон ким.

**Ясанчоқ мардона бўлмас, кўпалак парвона бўлмас.**

Олифта мард бўлмас, капалак парвона.

**Ўйла булутдекки, қуруқ боғ уза,**
**Ёқмай ўтар, сувни тўкар тоғ уза.**

Чанқоқ боғга ёғмасдан, кераксиз тоғларга сув тўкувчи булутнинг иши — тўққа дастурхон ёзиш каби янглишдир.

**Ўларман то етарман мақсадимни ёнмоқ имкон йўқ,**
**Бадан заъфи била йўл шиддатидин, гарчи толғайман.**

Касаллигим, йўл қаттиқлиги натижасида толиқсам ҳам, ўлгунча мақсадга етмай қайтиш мумкин эмас.

**Эргаш ОЧИЛОВ**
**тайёрлаган**

*Йил тарбиячиси — 2007*

# БИЛИМ ВА МАЛАКАЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОД ТАЪЛИМ - ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР, ЖУМЛАДАН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ, ЁШЛАРНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ, ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШГА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**



Маълумки ёш авлод таълим-тарбиясида тарбиячи ва педагогларнинг ҳиссалари катта аҳамиятга эга. Шу боис тарбиячи, педагоглар аввало, ҳар томонлама билимли, ўз касбига меҳр қўйган, комил инсонлар бўлишлари лозим. Мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган тарбиячиларнинг билим ва малакаларини ошириш мақсадида шаҳримизда икки йилда бир марта «Йил тарбиячиси» кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланган. Айни кунларда «Йил тарбиячиси — 2007» кўрик-танловининг туман бўйича саралаш босқичлари ўтказилмоқда. Куни кеча Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрида мазкур танловнинг Собир Раҳимов туман босқичи бўлиб ўтди. Унда туман халқ таълими бўлими тасаррўфидаги 57 та мактабгача таълим муассасаларидан саралаб олинган 6 нафар тарбиячилар ўзаро беллашдилар. Танлов иштирокчилари 441, 194, 120, 78, 146, 118- мактабгача таълим муассасаларининг энг намунали, малакали тарбиячилари — Д. Магдиева, А.Турсунова, Ш.Набиева, Р.Мирзаходжаева, Д.Ёрмуҳамедова, Ф.Шоюсуповалар мазкур беллашувда ўз касбини пухта билиши, иш йўналишини очиб бера олиш, мураккаб педагогик ва психологик вазиятларда оқилона ва одилона йўл тутиш, таълим-тарбия жараёнида дидактик воситалардан фойдаланиш, ўзининг ижодий ва санъаткорона маҳоратини кўрсата билиш каби шартлар бўйича ўзларининг юксак маҳоратлари ва билимларини, зукколикларини намоён этишди. Тарбиячиларнинг ҳар бир чиқишларини ҳакамлар ҳайъати аъзолари муносиб баҳолаб бордилар.

— Бу йилги «Йил тарбиячиси — 2007» танловига тарбиячилар катта тайёргарлик кўришган,—дейди биз билан суҳбатда Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлими мактабгача таълим бўлими услубчиси Ҳамида Қурбонова. — Иштирокчиларнинг ҳар бири ўзгача усуллар — саҳна кўринишлари, мусиқали чиқишлар, қизиқарли машғулотлар орқали кичкинтойларга билим ва таълим-тарбия беришнинг самарали йўлларини излаб топаётганликларига гувоҳ бўласиз. Бу танловни ўтказишдан мақсад ҳам тарбиячининг ўз устида ишлаб, билими, маҳорати, тадбиркорлигини ошириши, ўзларининг таълимий ўйинлари, қизиқарли машғулотлар орқали болаларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, уларнинг нутқ ва тафаккурини ўстириш, мактабда ўқишга тайёрлашдир.



Ниҳоятда қизиқарли ва мазмунли ўтган танлов сўнгида ғолиблар аниқланди. Туман бўйича 441-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Дилноза Магдиева «Йил тарбиячиси — 2007» танлови ғолиби деб топилди. Қолган иқтидорли иштирокчилар эса энг зукко, энг тадбиркор, энг билимдон, энг изланувчан, энг латофатли тарбиячи номинациялари бўйича ғолиб деб топилиб, барча қатнашчиларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Йил тарбиячиси — 2007» танловининг Собир Раҳимов туман босқичидан лавҳалар.**
**Владимир Гранкин олган суратлар**





*Самбо*

# ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ЖАМОАСИ ҒОЛИБ

**ШАҲРИМИЗДАГИ «ЖАР» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИДА ИККИ КУН ДАВОМИДА 1990 ЙИЛДА ТУҒИЛГАН ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА САМБО БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ БЕЛЛАШУВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Чемпионатда 70 қатнашчи иштирок этиб, ўнта вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб борди.

Айниқса 52 килограммгача вазнда қизиқарли беллашувлар кўп бўлди. Ушбу вазнда бухоролик Турсунова дастлабки баҳсларни шиддатли бошлаб кетма-кет ғалабаларни қўлга киритган ҳолда финалгача етиб келди. Ҳал қилувчи баҳсда тошкентлик Екатерина Близнецова юксак маҳорат намуналарини кўрсатиб 1 дақиқаю 30 сония ичида Турсунова устидан соф ғалабага эришди ва мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритди.

64 килограммгача вазнлилар ўртасида ҳам ҳамшаҳримиз И.Давлетовага тенг келадиганлар топилмади. Ушбу самбочи ҳам финалда рақиби устидан саноқли сониялар ичида соф ғалабага эришди.

Умуман, турнирда шаҳримиз жамоаси энг яхши натижаларни кўрсатди. Юқоридаги икки самбочидан ташқари, 48 килограммгача вазнда У.Қосимова, 56 килограммгача спортчилар ўртасида М.Юнусова, шунингдек, энг оғир вазнларда Н.Алибекова ва Д.Қамбароваларга омад кулиб боқиб, ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғоналаридан ўрин олишди.

Қолган вазнларда М.Бўстонова, М.Каримшакова ва Г.Каримова каби андижонлик спортчилар, шунингдек Самарқанд вилояти вакили Н.Умаровалар зафар қучишди.

Чемпионатнинг барча ғолиб ва совриндорларига дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар.**
**Алексей Попов олган суратлар**

*Футбол*

# «ТРАКТОР»НИНГ ИЛК ҒАЛАБАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ОЛИЙ ЛИГА БАҲСЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ЖАМОАЛАР УЧИНЧИ ТУР ЎЙИНЛАРИНИ ЎТКАЗИШДИ.**

Бу йилги чемпионат баҳсларини қаторасига икки мағлубият билан бошлаган Тошкентнинг «Трактор» жамоаси учинчи тур ўйинида Сариосиённинг «Тўпаланг» командаси устидан муҳим ғалабага эришди.

Ўйиннинг 7-дақиқасидаёқ Р.Тешабоев «Трактор»ни ҳисобда олдинга олиб чиқди. 63-дақиқага келиб Ш.Аҳмаджоновнинг ўз дарвозасига киритиб қўйган голидан сўнг, орадаги фарқ иккита тўпга етди. Ўйин давомида фаол ҳаракат қилган меҳмонларнинг етакчи ҳужумчиси Б.Ваҳобов 68-дақиқада пеналтидан ҳисобни қисқартиришга эришди ва бу ҳисоб ўйин якунига қадар ўзгармай қолди.

Учинчи турнинг марказий ўйини эса Муборакда, маҳаллий «Машъал» ҳамда Тошкентнинг «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Ўз майдонида доимо мухлислари ишончини оқлашга ҳаракат қилиб келган Мубораккнинг «Машъал» жамоаси мамлакатимизнинг етти карра чемпионига ҳам етарлича ташвиш туғдирди.

Учрашувнинг 57-дақиқасида ҳимоячи Диниявер Ваниевнинг зарбаси эвазига мезбонлар ҳисобни очишга эришишди. Бироқ, Москванинг «Торпедо» клубидан ижарага олинган миллий терма жамоамиз ҳужумчиси Александр Гейнрихнинг 76-дақиқада моҳирона йўллаган зарбаси туфайли учрашувда дуранг натижа қайд этилди.

Турнинг қолган ўйинларида кутилмаган натижалар қайд этилмади: «Локомотив» (Тошкент) — «Насаф» (Қарши) —0:2, «Металлург» (Бекобод) — «Қурувчи» (Тошкент)—0:1, «Вобкент» (Вобкент) — «Андижон» (Андижон)—0:4, «Қизилқум» (Зарафшон) — Бухоро» (Бухоро)—3:1, «Самарқанд-Динамо» (Самарқанд) — «Навбаҳор-Наманган» (Наманган)—3:2, «Нефтчи» (Фарғона) — «Шўртан» (Ғузор)—2:1.

Турнир жадвалини юз фоизлик натижа билан «Қизилқум» (Зарафшон), «Қурувчи» (Тошкент), «Нефтчи» (Фарғона) жамоалари бошқараётган бўлса, «Пахтакор» (Тошкент) ҳамда «Машъал» (Муборак) еттитадан очко жамғариб, уларни таъқиб этишмоқда.

**Боҳир БЕК**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР







***Тошкент шаҳри аҳолисининг кўплаб илтимосларига мувофиқ бутун апрель ойида цирк манежида «Ҳайвонлар карнавали» дастурининг намойиши давом этади.***

**БОЛАЛАР ВА КАТТАЛАР, ШОШИЛИНГ, ШОШИЛИНГ!!!**

***Томошалар шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.***
***Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.***

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ПЛАНЕТАРИЙСИГА**

ўзбек ва рус тилларини мукаммал биладиган 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган ишчи ходимлар керак. Телефон: 160-16-10.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 15 май куни соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади. Аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади.**

Яккасарой туман суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2001 йил 29 декабрдаги 1-826-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманида жойлашган «Себзор» автолар сақлаш масканида сақланаётган 1990 йилда ишлаб чиқарилган ва давлат рақами 30В30-58 бўлган «ВАЗ-21063» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-3500000 сўм. Ҳамза туман суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2007 йил 5 февралдаги 2253-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Ҳамза 1-берк кўчаси, 8-уй манзилда жойлашган Ҳамза тумани жиноят ишлари бўйича суди ҳудудида сақланаётган 2005 йилда ишлаб чиқарилган ва давлат рақами 10W60-40 бўлган «Нексия Донс» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-10117967 сўм. Ҳамза туман суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2007 йил 5 февралдаги 2253-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Ҳамза 1-берк кўчаси, 8-уй манзилда жойлашган Ҳамза тумани жиноят ишлари бўйича суди ҳудудида сақланаётган 1989 йилда ишлаб чиқарилган ва давлат рақами 10D19-65 бўлган «Опел Вектра» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-7896082 сўм.

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 27 апрель куни соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади. Аукцион савдоларига суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулкни қўймоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказига қарашли омборхонада сақланаётган БМВ-525 русумли автотранспорт, давлат рақами Н622601, 1990 йилда ишлаб чиқарилган (2006 йил 21 октябрдаги ЖИБ1-519/2006-сонли ижро варақа ва 54/2 сонли ижро ҳужжат). Бошланғич баҳоси-10126760 сўм.

**ШУНИНГДЕК:**

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 2 январдаги 10-0620/12091-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани А.Қодирий кўчаси, 78-уйда жойлашган МЧЖ шаклидаги **«Sharq Model»** қўшма корхонасига тегишли, бошланғич баҳоси-2 693 485 170 сўм бўлган бино ва иншоот ҳамда ишлаб чиқариш мажмуалари (4 қаватли ишлаб чиқариш биноси 1,2,4-қавати ва В-блок 2-қават ошхона биноси, ҳамда шу бинода жойлашган трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна мажмуалари) объекти бўйича Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро суди ажримига асосан аукцион савдолари тўхтатилганлигини маълум қиламиз.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, ҳ/р 20208000804234776001 тўлашлари ва ариза топширишлари шарт. Иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. **Тел.138-69-94.**





МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 306

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3061 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 13.10